

Зилола АБДУРАҲИМОВА

**ҲАМРОҲИМ
ЎЗИНГДИРСАН**

Шеърлар



*"Наманган" нашриёти
2005 йил.*


84(54)6-5 Бадиий эъзобиёт-
Шеърлар

Адабиётда таппа-тахт қилиб қўйилган кенг йўл йўқ. Ҳар қандай истеъдод соҳиби ҳам бадиий ижоднинг илмий ва назарий мезонлари билан ҳисоблашишга мажбур. Бу қутлуғ даргоҳ оstonасидан ийманибгина кириб келаётган шоира қизимиз келгусида шеърият ихлосмандлари ишончини қозонади дея умид билдирамиз.

№ 32031
0

НГ 514-133,14-1147550 2005
515-1-(01)-05

© Зилола Абдурахимова. «Наманган» нашриёти.



МЕНИНГ ФАЛСАФАМ

*Менинг фалсафам шу, умр ўлчовли,
Эзгулик уругин сепайлик ҳар вақт.
Ким сенга зориқса бурма юзингни,
Кераклигинг билиб яшаш ўзи бахт.*

*Дўстгами, душманга ва ё ёрингга,
Кимгадир зарурсан, хуррам яшагин.
Кимнингдир ярасанг агар қорига,
Бундай керакликни бахт деб атагин.*

АСРЛАР ЁДИДА

*Мен бир гулзордирман бағрида бу кун,
Анвойи гуллар-у чечаклар унган.
Баланд чўққи узра унган лоламан,
Қуёшга юз тутган, иқболи қулган.*

*Мен бир япроқдурман, ям-яшил япроқ,
Шамолда тебраниб, қарсақлар чалган.
Мен бир инсондирман, умри қисқа-ю,
Асрлар ёдида сақланиб қолган.*

МЕНИ БИЛМОҚ ИСТАСАНГ

Мени билмоқ истасанг,
Ўзимгамас, кўзларимга боқ.
Жилва қилар унда ҳаётим,
Бу сен учун катта бир сабоқ.
Кўзларимда сирли бир ҳис бор,
Буни англаш сенгадир оғир.
Бу ҳисларсиз менга дунё тор,
Балки билиб оларсан охир.
Қалбимда ялт этиб ёнар нур,
Сен борсанки, порлогай шоша.
Шу ёгду-ла, яшайман мен ҳур,
У нур сочар асрлар оша.

ЎЗИНГДИРСАН ҲАМРОҲИМ ШЕЪРИМ

Шодон, гамгин кунларимда,
Доим ҳамроҳ ўзингсан.
Уйқу қочган тунларимда,
Ҳоргин боққан кўзимсан,
Фикру ўйим сен-ла яшар,
Жўш урурсан қонимда.
Туйғуларим тўлиб-тошар,
Сен борсанки, ёнимда.
Ёлғиз ўзинг дил қитиқлаб,
Ўйнайдурсан лабимда.
Сени менга берди Аллоҳ,
Биз биргамиз қалбимда.

АЖИБ ҲИС

*Булбуллар сайраган гул боғларингда,
Барчани ўзингга этасан сен ром.
Ўзга бир ҳаёт бор, ҳув тоғларингда,
Чинданам дилларга оромсан, ором.
Қўшиқлар тинглайман сувларингдан мен,
Қоялар тарихни ёдга солмоқда.
Ифорлар йиғаман гулларингдан мен,
Дил бундай оташдан илҳом олмоқда.
Энг баланд чўққига чиқдим мен шодон,
Қучогим оламга ёйдим бир нафас.
Танамга ажиб ҳис югурди шу он,
Юрагим борлиқнинг оғушида маст.*

БИЗНИНГ ВАТАНДА

*Бу юртнинг Бобурин кимлар билмайди,
Навоий шеърлари уради ханда.
Қодирий, Чўпон-у... Чикмайди ёддан,
Шоирлар макони бизнинг Ватанда.
Фарзанди озодлик кўйини кўйлар,
Булбуллари сайрар, боғ-у чаманда.
Қалбида эзгулик сўзин жо этмиш,
Пахлавон, ботирлар бизнинг Ватанда.
У шундай муқаддас, азиз, ягона,
Ҳатто қушлар этмас номини канда.
Бахтлиман билсангиз, туғилганимдан,
Шундай жаннатмакон буюк Ватанда.*

ҚАЛБИМДА ЯШАЙДИ

Сингилчам бир куни деди ногаҳон,
Ватан, тўғрисида айтинг опажон,
Мен дедим қулоқ ос, билиб ол, бу он,
Ватан деганлари мана шу тупроқ.

Тамгага бир қара мужассам Ватан,
Байроги ҳилпирар, кўркам, бир чаман,
Шу юрт фарзандиман, уни қучаман,
Ватан тўғрисида ўқигил кўпроқ.

Қутлуғ бу остона, энг улуғ хона,
Ватандир бизларга меҳрибон она,
Дунёда бу гўша билсанг яғона,
Боболарим изи, сўзи бу Ватан.

Таърифи тилларда, дилларда достон,
Севмасанг бўлмайди уни ҳар қачон,
Тинглагил сингилчам, гар бўлсам омон,
Қалбимда яшайди, яшайди шу Ватан.

МЕҲРИБОН ОНАМ

*Рўзгор-гордир, юмуши кўп, айланар боши,
Қирқдан ошмай ташвишлардан оқарди сочи,
Боласини кутар совиб қолса ҳам оши,
Ҳаёт ичра ҳаётдирсиз, меҳрибон онам.*

*Баъзан меҳр бериб, ўзи меҳрсиз қолгай,
Мижжа қоқмай қайгулардан ўйларга толгай,
Бу дунёнинг ўйинлари не куйга солгай,
Сабот ичра саботдирсиз, меҳрибон онам.*

*Сиз қуёшсиз, сизнинг билан чарогон олам,
Ҳай, янча ҳам бардошлари янчилмас онам,
Ўзни ўйлаб қачон сиз ҳам оларсиз ором,
Тоқат ичра тоқатдирсиз, меҳрибон онам.*

*Сиз паноҳсиз, паноҳсизлар сизга сизинган,
Муштдеккина жонингиздан жонлар тугилган,
Ўз ризқини боласига доим илинган,
Абад ичра абаддирсиз, меҳрибон онам.*

ДУО ҚИЛИНГ

. Дуо қилинг, қалбингизни нурдай ёритай,
Дуо қилинг, дардингизни тошдан аритай,
Не қилсам ҳам ҳаммаси кам, пойингиз ўлай,
Дуогўйим, ширин ўйим, фаҳрим отажон.

Сиз ишончим, гуруримсиз, суюнган тоғим,
Ёритгувчи машъаласиз, ёрқин чировим,
Орзуимга етганимда қувонган чоғим,
Ёдимдасиз, жонимдасиз, фаҳрим отажон.

Кўзларимга сизсиз дунё кўрингай кемтик,
Меҳрингизни ҳис қилсам гар бўламан тетик,
Сиз-ла, бахтим бут бўлгандир, қаддим эса тик,
Дуогўйим, ширин ўйим, фаҳрим отажон.

Дуо қилинг, дуойингиз бўлгай ижобат,
Олдингизда сўз демоққа етмас шижоат,
Қиз бўлиб мен не қилдим деб, чеккум хижолат,
Ёнимдасиз, жонимдасиз, фаҳрим отажон.

БОҒБОНИМ УСТОЗ

*Мен бир ниҳол эдим, ҳаёт богида,
Бошимда боғбоним бўлдингиз устоз.*

*Энди яшнаганда -дарахт чоғимда,
Сизга қарсак чалар баргим гулдурас.*

*Илк бора етаклаб жажжи кўлимдан,
Муқаддас масканга бошлагансиз шод.*

*Синоат чиққанда бевақт йўлимдан,
Бошимни силаган сизсиз ўша зот.*

*Гоҳ ота, гоҳ она, гоҳида сирдош,
Дилимга шеърят бахшида этган.*

*Тенги йўқ муқаддас, тоғдек бардош-у,
Сабрдан бизлардек ниҳоллар битган.*

*Омон бўлинг, дейман кўксимда кўлим,
Сиз туфайли бўлди, чаровон йўлим.*

ЁРУҒ ЮЗ ИЛА

Садоқатда танҳо она Зулфия,
Унингдек ашъорлар келади битгим.
Шоирнинг ҳаёти мисли қофия,
Иложин топсайдим, пойини ўлғум.

Замин ҳеч тўйганми, айтгил одамга,
Бири ўйглаб келса, бири кетар бот.
Тириклик чоғида етмай қадрига,
Ўлгандан сўнг қилурмиз хотирини ёд.

Ҳавас-ла боқаман сувратга маъюс,
Қанийди ўхшолсам ул буюк зотга.
Сатрларин ўқиб, ўзим ҳам тўқиб,
Боқардим ёруғ юз ила ҳаётга.



ТОНГ

Кўрмоқ истаб тонг жамолини,
Богга чиқдим, саҳар уйғониб.
Туннинг узун киприкларида,
Ҳали уйқу ўчмаган маҳал.
Кўкда юлдуз, ерларда шабнам,
Гуллар эгиб турар бошини.
Борлиқ ухлар, қачон чимирар,
Ўсма қўйилмаган қошини.
Кўк бўзарар, тонг отмоқда, тонг,
Термуламан висолига жим.
Қуёш нур-ла белар осмонни
Уни шодон кузатмайди ким?..

БАҲОР

Эх, бунчалар ҳам оташ,
Сурурлари баҳорнинг.
Шаббодаси шўх, дилкаш,
Енгил нафас наҳорнинг.
Қалдирғочлар чуғурлар,
Йўқдир сони, самоги.
Қуёш ўлгач борлиқнинг-
Қил-қизарган ёноги.
Гўё сулув келиндек,
Ийманади майсалар.
Чирой очар кўкатлар,
Шудрингда юз чайсалар.
Бутун жонзод кўз очган,
Баҳор тонгин тафтидан.
Бу манзара, бу кўркни,
Борлиқ тутган кафтида.

ЭХ, СЕВГИ ҮЙЛАРИ

*Кипригим намланар севинч ёшидан,
Кўзимда ўзгача умид парлайди.
Тиллолар сочайин тақдир бошидан,
У мени сенингдек бахтга чорлайди.
Минг шўқр айтаман, ўшал кунимга,
Хаёлим илларин олис чуватди.
Пинҳона боқаман, сувратинг қўлда,
Дилимда муҳаббат ҳиссин уйготди.
Сен бўлдинг ҳаётим мазмуни бўл дам,
Дилимда ишқ очмиш гўзал гунчалар.
Сигмай қолдим бугун кенг дунёга ҳам,
Эх, севги ўйлари ширин мунчалар.*

ЁР СЕНИ КЎРГАНДА

*Сочим ўйлларингга бўлади кўприк,
Юрагим кўришни истаса сени.
Ишқнинг шабнамида жиққа ҳўл киприк,
Кўзларим кўзингни соғинса сени.
Авжи пардасида куйлайди кўнғил,
Сенинг шеърларингни эшитган замон.
Ёр сени кўрганда ўт олар жоним,
Менинг нафасимда яшайсан ҳар он.*

ШАЙДО БЎЛАМАН

Жоним фидо сочларингнинг йўноқларига,
Мажнунтолдек тебранасан аста эгиб бош.
Қалбим адо лабларингнинг қирғоқларига,
Ҳаёлигим, юввошгинам, эй гул қалам қош.

Сен сулувсан, нигоҳингдан йўқотдим ўзни,
Сен-да жоним, тўлин ойнинг аксин кўраман.
Бир парисан, ёногингда юлдузлар ёнар,
Қанча боқсам, сенга шунча шайдо бўламан.

ПОКИЗА ИШҚ

Самога ярашгай ою, юлдузлар,
Тубсиз кўкдан қуйса, ёмғир, қорлар ҳам.
Кундузга-чи, тафтли қуёш ярашгай,
Замин узра ёғду сочади ҳар дам.

Муҳаббат ярашар ошиқ дилларга,
Ширин тўйгу бўлар унда мужассам.
Покиза ишқ ҳажри муносиб қалбга,
Унинг тиги жонни ҳатто тилса ҳам.

Толе ҳар инсонга ёр бўлсин мудом,
Бахтдан қурилади нурли қасрлар.
Муҳаббат риштаси бўлса мустаҳкам,
Узилмайди ўтса неча асрлар.

ТИНЧЛИК-БАХТ

*Маржон ҳам тақмайман майли тиллодан,
Айтмайман бергин деб, шоҳона бир тахт.
Мен шуни сўрайман, ёлғиз Аллоҳдан,
Соғлиг-у тинчликни ўзи менга бахт.*

ИШОНМОҚ БЕКОР

*Мадорсиз йиқилдим ишқ йўлида, ёр,
Қайта оёққа мен турмогим душвор.
Суюкка тиқилдим, дўстнинг уйида,
Энди уларга ҳам ишонмоқ бекор.*

АРМОН

*Юрагимда аччиқ изтироб,
Сўрайсан сен нимадан деб у?
Нигоҳларим сўзласа-да рост,
Кўзларимда ўзга бир тўйгу.*

*Кимдир далда бермоққа бу дам,
Чоғланса-да келиб мен томон.
Юзларимда кулгу бўлса ҳам,
Вужуд тўла дард ила армон.*

*Ташвишларим аён, кўзимдан
Кипригимга гоҳ қўнади нам.
Дунё бермас менга кенглигин,
Ўзи кенг-у, ёруғ бўлса ҳам.*

МУНДАРИЖА

Менинг фалсафам.....	3
Асрлар ёдида.....	3
Мени билмоқ истасанг.....	4
Ўзингдирсан ҳамроҳим шеърим,.....	4
Ажиб ҳис.....	5
Бизнинг ватанда.....	5
Қалбимда яшайди.....	6
Меҳрибон онам.....	7
Дуо қилинг.....	8
Боғбоним устоз.....	9
Ёруғ юз ила.....	10
Тонг.....	11
Баҳор.....	11
Эҳ, севги ўйлари.....	12
Ёр, сени кўрганда.....	12
Шайдо бўламан.....	13
Покиза ишқ.....	13
Тинчлик-бахт.....	14
Ишонмоқ бекор.....	14
Армон.....	14

Адабий-бадний нашр

Зилола АБДУРАҲИМОВА

ҲАМРОҲИМ ҶЗИНГДИРСАН

Шеърлар

Муҳаррир: М. ЮНУСОВ.
Тех. муҳаррир: Ғ. МУЛЛАБОЕВ
Мусаҳҳиҳ: С. ЯҲЁЕВ.
Саҳифаловчи: И. ТОШХОЖАЕВ

3.01.06 да теришга берилди. 9.01.06. да босишга
рухсат этилди. Бичими 60x84. 1/16. Ҳажми 1,0 босма
табоқ. Газета қоғозига офсет усулида чоп этилди.
Адади 500 нусха. Буюртма 14 Баҳоси келишилган
нарҳда

“Наманган” нашриёти. Наманган шаҳри, А. Навоий
кўчаси, 36-уй.

“Чуст басмадонаси” МЧЖ. Чуст шаҳри, Сўфизода
кўчаси, 8-уй.